

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЭКИНЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ**Эрматова Дилбархон Ўтановна¹****Q.X.F.D****Васиева Малохат²****Турсунова Фотима³****95-20 Guruh talabarlari****2-3 Фарғона политехника институти****<https://doi.org/10.5281/zenodo.7911948>**

Аннотация: Ушбу мақолада таклиф этилаётган янги усул - турли хил ўсимликларни зичлаштириб экиш ва юқори ҳосил олишда қисқа муддатли янги агротехника ёритилади.

Калит сўзлар: Экинларни зичлаштириб экиш, саримсоқпиёз, қалампир, маккажўхори, агротехнология, экиш муддатлари, ўғитлаш меъёри, суғориш муддатлари, ҳосилдорлик.

Таклиф этилаётган қисқа муддатли экинларни экиб парваришлаш агротехникасида август ойида саримсоқпиёз экилади Саримсоқпиёз пиёздошлар оиласига киради. Экиш усули ва муддати қуйидагича: саримсоқпиёз асосан палласидан экилади. Саримсоқпиёз пушта устига асосан уч қаторлаб, лентасимон усулда экилади. Экиладиган пиёзбошчалари юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, синмаган, вазндор бўлиши зарур. Саримсоқ совуққа чидамли ўсимлик. У 3–5 С ҳароратда униб чиқади, 7–8 С гача бўлган совуққа чидайди.

Дастлаб майдон ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 150–200 кг (10 сотихга 1,5–2 т) чириган гўнг солинади. Ер 20–25 см чуқурликда юмшатилиб, йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади. Саримсоқпиёзларни эрта муддатларда етиштириш учун август ойининг ярмидан бошлаб экиш мумкин. Асосан кузда сентябрь–октябрнинг бошларида экилади. Бундан кечиктириб экилса, кузда яхши илдиз олишга улгурмайди, оқибатда қишки паст ҳароратдан ва турли касалликлардан зарарланади. Саримсоқ паллалари йирик-майдалилига қараб 10 сотих ерга 100–150 кг ҳисобидан экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. 2–3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 50–60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10–15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6–8 см бўлади ва чуқурлиги 3–4 см қилинади. Саримсоқ паллалари йирик-майдалилига қараб 10 сотих ерга 100–150 кг ҳисобидан экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. 2–3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 50–60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10–15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6–8 см бўлади ва чуқурлиги 3–4 см қилинади. 15 – апрелда об - ҳаво шароитига қараб, ҳар пуштадан бир қатордан саримсоқпиёзлар эҳтиёт бўлиб олинади. Ана шу олинган саримсоқпиёзнинг ўрнига аччиқ қалампир кўчатлари экилади. Қалампир кўчатлари апрель ойидаги қулай об - ҳаво шароитида ерга яхши ўрнашиб олади. Бўш турган ерларга ҳам шу муддатда қалампир ёки шу оилага мансуб бошқа ўсимликлар экилади. Бу муддатда саримсоқпиёз тўлиқ пишмаган бўлади. Шундай бўлса ҳам шу вақтда олинган саримсоқпиёз ва унинг барра барглари зиравор ва кўкат сифатида турли таомлар ва салатлар тайёрлашда ишлатилади. Май ойининг ўрталарига келиб пушталарда қолдирилган

саримсоқпиёзлар тўлиқ пишади. Пишган саримсоқпиёзлар ўз вақтида йиғиштириб олинади ва апрель ойида ўтқазилган қалампир кўчатлари учун бошқа пушта олинади. Ўғитлаш ва суғориш. Тупроқ турига қараб саримсоқ экилган ерга 10 сотихга соф ҳолда 10–15 кг азот, 10–12 кг фосфор ва 5 кг калий ўғити солинади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва у яхши сақланмайди. Саримсоқ кузда, совуқ тушгунча 1–2 марта суғорилади, баҳор-ёзда ўсимликларни 5–6 марта суғориш, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, чопиқ қилиш, гулпояларини синдириб ташлаш, минерал ўғитлар билан озиклантириш ва чиринди билан мульчалош ҳосилдорликни анча оширади. Иккинчи ҳосил – қалампир. Аччиқ қалампирлар таркибида кўп миқдорда аччиқ модда — к а п с а и ц и н бўлиши, пўстининг юпқа, меваларининг майдалиги билан чучук қалампирдан фарқ қилади. Аччиқ қалампир қуруқ янчилган ҳолда овқатга ишлатилади, шунингдек, сабзавотларни сиркалашда, тузлашда ва консервалашда доривор сифатида фойдаланиладн. Қалампир препаратлари иштаҳа очувчи ва овқат хазм бўлишини яхшиловчи, шамоллаганда: радикулит, миозит, невралгия, ревматизм касалликларини даволашда ишлатилади. Чучук (болгар ёки сабзавот) қалампирларнинг мевалари йирик, серэт, таркибида жуда кам миқдорда капсаицин моддаси бор, мазаси кўпинча чучук бўлади. Чучук қалампирлар овқатга янгилигида ишлатилади, шунингдек ундан турли хил консервалар тайёрлашда фойдаланиладн. Таркибидаги витамин С нинг миқдорига кўра қалампирлар сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда турадп. Бу витамин етилган меваларда айниқса кўп бўлади. Аччиқ қалампир ўзига хос ўсимлик бўлиб, унинг мевасини кўклигида, қизарганида, қуритилганида, консерва қилинганда ҳам истемол қилиш мумкин. Ўзбекистонда қуйидаги навлари кўп экилади: Марғилон – 330, Астраханский – 628. Қуритилган аччиқ қалампирнинг 1 тоннаси бугунги кунда жаҳон бозорида 8640 долларга баҳоланмоқда.

Экиш усули ва муддати. Қалампир кўчатларини ҳар бир томорқачи деҳқоннинг ўзи тайёрлаб олади. Бунинг учун январь ойининг бошларида ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир оила ва хўжалиқда узунлиги 10 метр эни 3 - 4 метрли махсус иссиқхоналар мавжуд бўлиб, уларда қалампир уруғини сифатли қилиб ундириб олинади. Биринчи навбатда махсус катталиқдаги полиетилен стаканчаларга тупроқ салкам қилиб тўлдирилади ва махсус катталиқдаги этажеркаларга сифатли қилиб жойланади. Дастлаб январь ойининг иккинчи ярмида қалампир уруғи яшикларга хона иссиқлигида ундириб олиниб, юқоридаги тупроқ солинган полиэтилен стаканчаларга пикровка қилинади ва экиш муддатигача парваришланади. Тахминан 15 майда саримсоқпиёзнинг барчаси йиғиштириб олинади. Шундан сўнг қалампир кўчатларига ёнидаги эгатдан кетмон ёрдамида тупроқ тортилиб янги пушта ҳосил қилинади. Ер ости сувлари яқин бўлган ерларда 90 x 20 см, бошқа ерларда 70 x 20 см тизимда экилади. Саримсоқпиёзлар йиғиб олиниши билан қалампир кўчатларига ишлов бериш бошланади. Кўчатлар атрофига пушта ҳосил қилинган сув берилади. Тупроқ етилган, яна бир бора чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ қалампир кўчатларининг атрофига босилади. Аччиқ қалампир етиштиришда туз ҳолида 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммафос, 1,6 кг калий хлор берилади. Аччиқ қалампир ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув қатор оралатиб қўйилгани

маъкул. Аччиқ қалампир сувга талабчан ўсимлик бўлиб, сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5 – 6 м³ ҳисобидан 14 – 16, сизот суви юза юза ўтлоқ ва ўтлоқи – ботқоқ тупроқли ерларда 10 – 12 марта, сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 10 – 14 кунда суғорилади. Аччиқ қалампир ҳаддан зиёд суғорилганда ундаги аччиқлик хусусияти пасайиб кетиши мумкин. Аччиқ қалампир кўклигида йиғиб олинса, ҳосил миқдори нисбатан кўпроқ бўлади. Кеч кузда совуқ уришидан аввал қалампир кўчатлари илдизи билан юлиб олинади, бир жойга уюб қўйилади. Қишда қалампирларнинг нархи ошганда териб олинади ва бозорга чиқариш мумкин. Қалампир тупларидаги кўк қалампирларнинг кўплари қизариб қолган бўлади ва бу қизил қалампирларнинг нархи анча қиммат бўлади. Учинчи экин – маккажўхори. Маккажўхори ва қалампирни биргаликда парваришлаш. Маккажўхори ўсимлигини сояси қалампир учун ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Балки иссиқ ҳаво ҳароратидан, шамолдан, касаллик ва зараркунанда ҳашаротлардан сақлайди. 10 сотихдаги қўшимча экилган маккажўхорининг ҳақиқий кўчат қалинлиги 2 – 6 минг тупни ташкил қилади. Демак, экинларни зичлаштириб экиш тавсиясига кўра маккажўхори қўшимча экин сифатида экилади. Маккажўхори дони 110 – 120 кунда пишиб етилади, поялари уй ҳайвонлари учун хашак сифатида ишлатилади. Томорқадан маккажўхорини ўсув даврида пастки барглари бир неча мартаба уй ҳайвонлари учун олиб турилади. Биргаликда парваришланиши керак бўлган саримсоқ ва қалампир, қалампир ва маккажўхорининг агротехникаси, суғориш муддатлари, ўғитлаш нормалари таклиф этилаётган янги технологияда бир хил бўлади.

Хулосалар :

1. Ердан оқилона фойдаланишни амалиётга тадбиқ қилиш;
2. Бир даладан қисқа муддатларда сув ва минерал ўғитларни тежаган ҳолда уч мартаба ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад олиш, озиқ – овқат сероблигини таъминлаш.

References:

1. Сабзавот экинлари етиштириш технологияси. (маъруза матнлари Тошкент) 2002. 51-52-55, 65 бетлар.
2. Атабаева Х. Н; Худайқулов Ж. Б. Ўсимликшунослик. 199 – 205 бетлар. Тошкент. “ NIF MSH” 2020 й.
3. Эрматова Дилбархон Ўтановна. Қисқа муддатли алмашлаб экиш. DGU № 2460 2020й
Тошкент